

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ

Ижтимоий иш йўналиши
09.444-гуруҳ талабаси
МУКАДДАСОВА МОХИНУР

КУРС ИШИ

**Мавзу: Болаларга нисбатан зўравонлик ҳолати рўй
берганда ижтимоий иш ходимининг вазифалари**

РЕЖА:

1. Болаларга нисбатан зўравонликнинг ижтимоий жиҳатлари
2. Зўравонликка изоҳ, зўравонлик турлари
3. Оилавий зиддиятларни бартараф этишда ижтимоий иш
ходимнинг роли
4. Болаларга нисбатан турли зўравонликларнинг олдини олиш
5. Болаларни зўравонликдан муҳофаза қилиш йўллари
6. Хулоса

Кириш

Ҳозирги даврда мамлакатимизда юз бераётган улкан ижобий ўзгаришларни кўриб мустақиллик буюк неъмат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англадик, миллий кадриятларимиз, эркинлигимиз, диний эътиқодимиз тикланди.

Ижтимоий иш йўналиши бўйича республикаimizдаги таянч олий ўқув юртларидан Тошкент давлат маданият институти, Самарқанд давлат университети ҳамда Фарғона давлат университетларида ўқув ишларининг йўлга қўйилиши Президентимиз И.А.Каримовнинг ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор кўрсатаётганликларининг яққол исботидир. Улар таъкидлаганларидек, “Ёшларимиз биздан кўра ақлли, кучли ва албатта бахтли бўлишлари керак”. Ёшларни сабр-бардошли, иродали баркамол инсон қилиб тарбиялашда ижтимоий иш йўналиши ўзига хос алоҳида аҳамият касб этади.

Янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётган ҳозирги мураккаб даврда ижтимоий иш йўналиши ўз олдига бола тарбияси бўйича бир қатор вазифаларни қўяди:

1. Соғлом баркамол фарзандларни тўғри тарбиялаб вояга етказиш учун оилада ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;
2. Оиланинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш;
3. Оилада билимли, ақл-заковатли, уддабурон, жисмоний ва маънавий баркамол инсонни тарбиялаш;
4. Оилада ота-оналар томонидан болаларга ҳурматли муносабатда бўлишнинг зарурийлиги.

“Оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”, дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясида. Жамиятнинг ижтимоий тараққиёти оила мустаҳкамлигига боғлиқ бўлиб, Президент И.Каримов айтганидек, “Оила соғлом экан жамият

мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан-мамлакат барқарордир»¹ демак, мажороларни келтириб чиқарувчи туб сабабларни аниқлаш, ўрганиш ва олдини олиш ҳозирги куннинг асосий муаммоларидан биридир. Зеро, болаларга нисбатан зўравонликлар айнан мана шундай муаммоли оилаларда содир этилади.

Болаларга нисбатан зўравонликнинг ижтимоий жиҳатлари

Комил инсон омили фуқаролик жамияти, демократиянинг негизий жиҳати ҳисобланади. Бизнинг республикамызда ҳар томонлама соғлом, маънавий етук ва баркамол шахсларни камол топтириш давлат сиёсатининг устивор йўналиши қилиб белгиланган. Президентимиз И.А.Каримов “Олдимизга қўйган барча мақсадларимизнинг, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда, давлатимиз, жамиятимиз қурилишида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг, эзгу туйғуларимизнинг маъно-моҳияти, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш” – деб таърифлайдилар¹.

Фарзандларни комил инсон қилиб вояга етказишда оила асосий оил ҳисобланади. Оила жуда кенг қўламга эга бўлган жамиятимизнинг бошланғич бўғинидир. Оилада бола тарбияси оилавий анъаналарни сақлаш ва маънавий муносабатларни йўлга қўйиш каби муҳим аҳамиятга эга ижтимоий муносабатлар асосида олиб борилиши зарур. Оилада болаларга нисбатан зўравонликларнинг содир бўлиш ҳолатлари, афсус ҳаммамизни ташвишга солади. Бундай ҳолатлар кўпроқ муаммоли вазиятга тушиб қолган оилаларда рўй беради. Зўравонлик ҳолатлари содир бўлишига сабаб бўлувчи вазиятлар:

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент. Маънавият 2008. Б.58

¹ Каримов И.А. Соғлом авлод – халқимиз келажаги. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.; “Ўзбекистон”, 2000 Б.94.

1. Эр ўз оиласини моддий ва маънавий жихатдан бошқара олмаслиги;
2. Оила бошлиғининг спиртли ичимликка, наркотик моддаларни истеъмол қилишга берилганлиги;
3. Аёлларнинг ўз умр йўлдошларига нисбатан қўпол муносабатда бўлиши, хиёнаткорлиги, оилада аёллик бурчини ҳис қилмаслиги;
4. Эр-хотин ўртасида ўзаро ҳурматнинг йўқлиги, муомала маданиятини билмасликлари.

Оилада фарзандга нисбатан зўравонликлар ота-оналарнинг уқувсизликлари, болага нисбатан бепарволиклари, тарбиялашда жазо усулини қўллашга ўрганганликлари оқибатида содир бўлади.

Бепарволик баъзиларга унчалик ёмон туюлмаслиги мумкин, лекин аслида ёмон ҳолатлар, фожеалар, қотилликларга сабаб бўлиши мумкин.

Машҳур файласуфлардан бири бу тўғрида қуйидаги фикрларни баён қилган: “Душмандан кўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин, бепарқ одамлардан кўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”².

Зўравонликларнинг натижаси – болада кўрқоқлик, рухий тушкунлик - бепарволик пайдо бўлади, буларнинг натижаси эса ёмонликка – тошбағирликка, қаҳри қаттиқликка, одам ўлдиришга, қотилликка олиб бориши мумкин.

Ҳозирги замонда ота-оналарнинг болалар билан мулоқотда бўлиш имкониятлари, масалан, юз йил аввалгига нисбатан хаддан зиёд камдир. Мана шундай фактлар асосида катта муаммо, яъни оилада фарзандлар тарбиясига эътибор етарли даражада бўлмаётганлиги, бу эса зўравонлик ҳолатлари юз беришини келтириб чиқараётганлиги ташвишли ҳолат эканлигини тан олмасдан иложимиз йўқ.

² Ислон Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент, “Маънавият”, 2008 йил 124-бет

Бундай ҳолатларни олдини олиш учун ота-она ўз фарзандлари билан вақти-вақтида мунтазам гаплашиб, уларнинг тарбиясига вақт ажратишлари, уларга тўғри йўл кўрсатишлари керак бўлади. Агар ота-она оилада ўзларини тутишни билмасалар, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўрнатилган бўлиши ўрнига қўпол муомалада бўлсалар, урсалар, сўксалар, камситсалар – бу камситишлар бола хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асоратлар қолдиради. Оиладаги маънавий муҳит ва тарбия тўғрисида бола меҳрибон ва раҳмдил ёки худбин ва бағритош бўлиб ойнайди.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг мутахассислари ва дунёнинг ривожланган 21 мамлакати биргаликда 4 йил мобайнида олиб борган тадқиқотлар натижасида “Болаларга нисбатан зўравонлик дунёда кенг тарқалган ҳодиса” деган хулосага келинди.

60-йилларнинг бошларида болаларга нисбатан зулмнинг сабаби ота-оналарнинг руҳий касаллиги деб қаралар эди, кейин диққат эътибор ижтимоий муаммоларга қаратила бошланди.

Бунга сабаб хавф омили ота-оналарнинг болага нисбатан зўравонлик ишлатишига олиб келувчи уларнинг ижтимоий изоляцияланганлиги ҳамда қадриятлар тизимлари эканлиги аниқланганлигидир. 70-йилларда оиланинг ижтимоий модели нуқтаи назаридан болаларга нисбатан зулм ва эҳтиётсиз муносабатларнинг сабаби ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларнинг бузилганлигида деб қарала бошланди. Кейинги тадқиқотларнинг натижасига кўра индивид оила ва жамият даражасидаги хавф омилларини аниқладилар ва болаларга нисбатан зўравонликни битта омил эмас балки уларнинг ўзаро таъсири келтириб чиқаришини исботлаб бердилар. Улар шунингдек, у ёки бу омилнинг мавжудлиги зўравонлик ишлатилаётганлигини аниқлашганини, балки унинг юз бериш эҳтимоли ёки имконияти борлигини кўрсатишини таъкидладилар.

Зўравонликка изох, зўравонлик турлари

Дунё микёсида кўриб чиқадиган бўлсак, ҳар бир жамиятда болаларнинг катта қисми ўз уйларида сезиларли даражадаги зўравонликларга дучор бўладилар. Болаларга қарши зўравонликнинг аҳамияти ва таъсири бўйича ишланган ҳужжатлар бу жуда ҳам муҳим ва жиддий глобал муаммо эканлигини аниқ кўрсатади. Ушбу муаммо дунёнинг барча мамлакатларида турли шакл ва кўринишларда рўй беради ва ўша мамлакатдаги маданий, иқтисодий ва ижтимоий тартиб қоидаларга чуқур илдиз отган бўлади. Дунёнинг фақат 16 та мамлакатадагина болаларга қарши жисмоний жазолашнинг ҳар қандай кўринишлари ман этилган. Бу эса дунёдаги болаларнинг катта қисми ўз уйларида калтакланиш ва қасддан таҳқирланишдан, катталар билан тенг равишда қонуний ҳимояланган бўлишдан маҳрум деганидир.

Болаларнинг зўравонликнинг бошдан кечириш бўйича тажрибаларини очик-ойдин баён этиш фикридан йироқмиз. Болаларга қарши зўравонликнинг баъзи кўринишлари барча муҳитлар учун умумийдир. Жисмоний жазо бериш ҳамда шавқатсиз ёки таҳқирловчи жазолашнинг бошқа турлари ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан уйларда, болалар парвариши бўйича масъул шахслар томонидан тарбия муассасаларида, ўқитувчилар томонидан мактабларда қўлланилади ва шу билан бирга болаларга қонун билан бўлган келишмовчиликларда сингдирилади.

Болаларга қарши зўравонлик ҳаракатларининг фақат кичик қисмигина маълум қилинган бўлса, фақат санокли айбдорларгагина айблов қўйилган. Ер юзининг кўп қисмларида болаларга қарши зўравонлик бўйича маълумотларни ҳужжатлаштирувчи ёки батафсил тергов ишларини олиб боровчи тизимлар мавжуд эмас. Уй ва бошқа муҳитлардаги зўравонлик бўйича берилган маълумотлар асосидаги расмий статистика бор бўлсада, у мавжуд муаммонинг ҳақиқий қамровини етарлича акс эттиришдан жуда ҳам йироқ.

Бу каби ҳисоботлар мавжуд эмаслигининг бир қатор сабаблари бор. Ўз уйларида зўравонликка учраган ёш болалар бу ҳодиса тўғрисида хабар бериш қобилиятига эга эмаслар. Кўп болалар уларга нисбатан зўравонлик ҳаракатларини хабар қилмасликларига яна бир сабаб – уларнинг ушбу ҳаракатни амалга оширган айбдорлар томонидан босимга учрашларидан чўчишлари ёки ҳукумат вакилларининг бунга аралашувидан, бу эса ўз навбатида уларнинг умумий ҳолатини янада оғирлаштиришидан кўрқишларидир.

Ишонарли маълумотларсиз ҳеч бир мамлакат болаларга қарши зўравонликка чек қўйиш борасида эришилган ютуқларни баҳолай олмайди. Болаларга қарши зўравонликнинг ўлим ҳолатига олиб келмаган кўринишларининг қамрови ва табиатини тўғри ўлчаш учун кузатишлардан кўринадики, ота-оналар ва бошқа катта ёшдаги инсонлар томонидан зўравонликнинг қўлланилиши, болаликда зўравонликка дучор бўлиш тажрибалари ҳамда болалар ва катталарнинг ҳозирги саломатлигининг аҳволи ва саломатликка хатар солувчи феъл-атвор билан машғуллиги даражаси кабилар аниқланган.

“Болаларга нисбатан зулм” тушунчаси бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан 1999 йилда таклиф этилган қуйидаги таърифга таянади:

“Зулм” ёки “...болалар билан қўпол муносабатда бўлиш”, “боланинг соғлигига, яшашига, ривожланиши ва лаёқатига амалий зарар келтирадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган барча турдаги жисмоний ёки эмоционал салбий муносабат, жинсий зулм, эҳтиётсиз ёки бефарқ муносабат, коммерция ёки бошқа мақсадлардаги эксплуатация” ни англатади. Халқаро амалиётда қабул қилинган “Болага нисбатан зулм” атамаси ўзида “эҳтиётсиз муносабат” ҳамда “Ташлаб қўйилганлик” тушунчаларини ўзида мужассам этади.

Ўзбекистонда “Болаларга нисбатан зулм ва эҳтиётсиз муносабат” тушунчаси қонуний асосга таянади.

Болага нисбатан зулм – боланинг ихтиёрига зид равишда ёки унинг кўмакка муҳтож ҳолатидан фойдаланиб, унинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқини бузувчи жисмоний, жинсий ва руҳий таъсир кўрсатишдир. Мазкур таърифга биноан, зулмнинг жисмоний, жинсий ва руҳий кўринишлари ажратиб кўрсатилади.

Болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик турларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз:

Жисмоний зўравонлик – боланинг қийналишига сабаб бўлувчи ва унинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи зўравонлик ва бошқа ноинсоний хатти-ҳаракатларнинг бошқа турлари (жисмоний оғриқ етказиш, уриш, тишлаш, куйдириш, болани мақсадли равишда бўғиш ёки чўктириш, шунингдек, болага заҳар ва нотўғри дори бериш билан боғлиқ ҳодисалар).

Жинсий (сексуаль) зўравонлик – катталарнинг жинсий эҳтиёжларини қондириш учун болалардан фойдаланиш, болани жинсий фаолиятга жалб қилиш учун таҳдид, куч ва айёрликни ишлатиш.

Болалардан порнографик маҳсулотлар тайёрлаш мақсадида фойдаланиш, шунингдек, уларга порнографик маҳсулотларни намоиш қилиш. Болаларни фоҳишабозликка жалб қилиш.

Эмоционал зўравонлик – боланинг ўзига ҳурмат ва ишонч ҳиссининг йўқолишига сабаб бўлувчи, унга нисбатан доимий эътиборсизлик ва бемехрлик, таҳдид ва аҳмоқлик қилишдир. Болага ёшига мос келмайдиган ва бажара олмайдиган талабларни қўйиш. Катталар томонидан ёлғон ишлатилиши ва ваъдаларнинг бажарилмаслиги, болада ишончсизлик уйғотиш.

Эҳтиётсиз муносабат – боланинг уй-жой, озиқ-овқат, кийим кечак, дори-дармонга бўлган эҳтиёжларининг қондирилмаслиги. Болани қаровсиз қолдириш.

Эксплуатация – боладан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш – болалар меҳнати, сексуаль эксплуатация, трафик – (болаларни эксплуатация мақсадида олиб чиқиб кетиш, сотиш) зўравонликка дучор бўлган,

шунингдек, ташлаб қўйилган болаларнинг фаолият юритишининг барча даражалари – соғлиги, онгини ўстириш, хулқ-атворини, жисмоний, эмоционал ва интеллектуал ривожланишининг бузилишини қамраб олувчи турмуш тарзи ва ривожланишида жиддий ўзгаришлар содир бўлади.

Боланинг руҳиятидаги бузилишлар аввало қуйидагиларда намоён бўлади:

- эмоционал беқарорлик;
- эмоционал бефарқлик;
- салбий ҳиссиётларнинг ижобий ҳиссиётлардан ошиб кетиши.

Эмоционал беқарорлик, салбий ва ижобий ҳиссиётлар ўртасидаги кескин оғишлар ташлаб қўйилган болаларга ҳос бўлиб, яна уларга эмоционал бефарқлик ва депрессия ҳам ҳос бўлади. Зўравонликка дучор бўлган болаларда салбий ҳиссиётлар ижобийларидан юқори бўлади, ижобий ҳиссиётлар камдан кам кузатилади. Уларда асосан ғазаб, таҳлика, қўрқув, хавфсираш ҳиссиётлари мавжуд бўлади. Бунда агар бола ўзида зўравонга нисбатан мавжуд бўлган ҳиссиётни бостирса ёки инкор этса, боладаги ғазаб ичкарига йўналади ва ўзидан нафратланишга ҳамда депрессияга олиб келади.

Зўравонликка учраган болалар учун шодлик ва ижобий ҳиссиётни ҳис этиш ва билдириш жиддий муаммога айланади, уларда эмпатия қобилияти яхши ривожланган бўлади, улар бошқаларнинг ҳиссиётини тушуна олмайдилар ва ўзгалар билан ҳамдард бўла олмайдилар. Бу болаларда боғлиқлик бузилади ёки умуман шаклланмайди, улар билан яқин муносабатга кириша олмайди.

Болаларга нисбатан зулм ва эҳтиётсиз муносабат уларда ўзларини исталмаган, севилмаган ва бахтсиз деб ҳис қилишни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Зўравонликка дучор бўлган болаларда одатда ўзи ҳақида тасаввурлар салбий, ўз-ўзини баҳолаш жуда паст ёки беқарор бўлади.

Зўравонлик натижасида боланинг интеллектуал ривожланиши сезиларли даражада секинлашади. Ноқулай ташқи муҳит, боладаги руҳий ёки жисмоний бузилишлар тафаккур, тасаввур ва ижодкорлик қобилиятларининг ривожланишига тўсиқ бўлади. Зўравонлик боланинг соғлиги ҳамда жисмоний камолотига ҳам жиддий таъсир кўрсатади:

- зулмга дучор бўлган ёки ташландиқ болаларда жисмоний ривожланишининг секинлашиши, тез-тез ва сурункали юз берувчи касалликлар асаб тизимидаги бузилишлар кузатилади.

Зулм ва эҳтиётсиз муносабат қурбонларида жисмоний ва интеллектуал ривожланишдан орқада қолишдан ташқари ижтимоийлашув ва мослашувда ҳам муаммолар пайдо бўла бошлайди. Душманлик муҳитига мослашиши учун бола ўзида ўсиш ва ривожланишни чекловчи яшаб қолиш стратегиясини шакллантиради. Болага катта ёшли кишининг душманлик кайфиятини башорат қилиш ҳамда ўзини зулмдан ҳимоя қилиш имконини берувчи кўникма оддий ҳолатда ўта мос келмайдиган ҳол бўлиши мумкин. Ушбу болалар мулоқотга киришиши ҳамда жамият ҳаётига мослашиши қийин, улар ижтимоий жиҳатдан етилмаган ва нотўғри шаклланган бўладилар.

Жисмоний зўравонликка дучор бўлган бола, катта ёшли кишининг тажовузкорона ҳатти-ҳаракатларини кўриб, тажовузкорона хулқ-атворини кейинчалик ўзининг шахсий ва ижтимоий ҳаётида қўллайди. Ёшликда шаклланган хулқ-атвор намуналари катта бўлгач агрессиянинг тикланишига олиб келади.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра ўз болаларига нисбатан жисмоний ёки эмоционал (руҳий) ва жинсий зўрлик ишлатган ота-оналарнинг аксарияти ўзлари ҳам болаликларида мана шу зўрликни ҳис қилишган¹.

¹ Green 1988, 1995 n Kaplan 1983.

Оилавий зиддиятларни бартараф этишда ижтимоий иш ходимнинг роли

Оила мустаҳкамлиги, баркамоллиги – жамият фаровонлигидир. Донолар таъбири билан айтганда, “Оила жамиятнинг дуру гавҳаридир”. Ушбу гавҳарнинг мусаффолигини, атроф-муҳитга эстетик таъсирчанлигини таъминлаш – оила аъзолари ҳар бирининг маҳалла куй, қўйингки, жамиятимиз ҳар бир аъзосининг инсоний бурчи ҳисобланади. Демак, бу фикрлардан хулоса чиқарган ҳолда оилавий зиддиятларни бартараф этишда ижтимоий ходим қандай усулларга таяниши керак бўлади? - деган саволга жавоб излаймиз.

Оила билан ишлашда ижтимоий ходим учун оиланинг муаммоли иштирок этувчисини эмас, балки барча оила аъзолари билан тушунтириш ишларини олиб бориши аҳамиятлидир. Муаммонинг аҳамиятини тасдиқлаш ва унинг олдини олишда ёки унга ёрдам бериш учун ижтимоий ходим оиланинг ҳар бир аъзосини таклиф этиши ва улар олдида ўзини қулай ҳис этиши зарур бўлади. Бу бошланғич фаза жуда муҳим ва ижтимоий ходим шошилмаслиги, балки оилани ўрганиб унинг функциясини аниқлаши лозим. Ижтимоий ходим тасдиқланган коментария ва аниқлаштирувчи саволлар беради, ойна “акс этиш” тактикаси сифатида ва оила усулини қабул қилади. Оила аъзоларидан сўраб, улар аниқ нимани хоҳлаётганликларини ва имкониятга қараб ёрдам беришни таклиф этади. Инсонлар билан мулоқотда уларнинг хавотирланишини бартараф этиши ва суҳбат ўтказиши, муаммонинг асосий мазмунини эшитиши, муаммонинг сабабларини аниқлаши керак бўлади. Агар бу жараён жуда тез ва шошилишда ўтса, ижтимоий ходим оила муаммолари бўйича қийинчиликларни ўз масъулиятига олса, бу келгусидаги иш самарасининг камайишига сабаб бўлади.

Кўпчилик оилалар муаммони ҳал этишни хоҳлайди, айти пайтда яшаётган ҳаёт тарзини ўзгартиришни хоҳламайди. Ижтимоий ходим ўзидан

ёки оиладан сўраши зарур, мазкур муаммо ҳар бир оила аъзосига қай даражада таъсир этади ёки агар муаммо ҳал этилса нима содир бўлади каби саволларни қўяди.

Муаммо оилавий ўзаро муносабатда илдиз отади. Бу битта инсоннинг муаммоси сифатида кўринади. Оилавий миф ва сирлар бир авлоддан иккинчи авлодга ўтади. Ҳаётининг танглик цикли оиланинг ўзаро муносабат қондасини ўзгартиришга мажбур қилиши мумкин. Мазкур ишни тузатишда муаммо туғилиши ва янги қондаларни қабул қилиш мумкин.

Оила миждоз ҳисобланади. Миждоз ўзгартириш учун мақсаддир, шунингдек, ўз динамикасини бошқа йўлга йўналтириш ва ҳаётининг фаолият усулини, иждимойий ходим томонидан кўрсатиб ўтилган жараёнини махсус саволлар орқали йўналтиради. Яхлит оила ва ундаги барча аъзолар учрашувда иштирок этишлари зарур. Учрашув вақт бўйича чегараланган бўлиши шарт.

Иждимойий ходимнинг вазифаси. Иждимойий ходимнинг оилага тизим ёки уларга таъсир этувчи мавжуд муаммо сифатида тахминий фаразни илгари суради. Иждимойий ходим кимнидир тарафини олмайди, кимнидир айбловини ва оила нуқтаи назарини муаммо сифатида қабул қилмайди.

Иждимойий ходимнинг оила билан ишлаш иш режаси:

1. Иждимойий босқич – ҳар бир оила аъзоси билан гаплашиш, уларнинг исмини сўраш, қандай иш билан шуғулланишларини аниқлаш. Барча аниқликларни ўрганмасдан туриб муаммони муҳокама этиб бўлмайди.

2. Муаммоли босқич – муаммо нимада эканлигини ва иждимойий ходим қандай ёрдам бера олиши мумкинлигини аниқлаш ҳеч қандай фикрларсиз ва маслаҳатлар бермасдан барча фикрларни тинглаш. Ҳар бир вазият билан боғлиқ фикрларни ҳурмат қилиш ва ҳар бир оила аъзосини тинглаб ўрганиш.

3. Ўзаро таъсир босқичи – улар вазиятни қандай ҳал этишлари учун, муаммо ҳақида барча оила аъзолари билан суҳбатлашиш, бир-бирлари билан

сухбатлашишларига имкон бериш. Сухбат вақтида муаммо пайдо бўлса ёрдам бериш.

4. Якунловчи босқич - муаммо ва мақсаддан келиб чиққан ҳолда вазифа бериш. вақтинчалик чегарани аниқлаш.

Ижтимоий иш ходими эга бўлиши керак бўлган сифатлар:

1. Инсонга ҳурматли муносабат;
2. Боланинг ҳиссий ҳолатини ҳис қила олиш, болага жароҳат етказилиши мумкин бўлган маълумотни қабул қилмаслик;
3. Ноқулай ҳолатлардан чиқиб кета олиш, масалани кўриб чиқишда фикрни ўзгартира олиш;
4. Боланинг ҳиссий таъсирланишида ўзини қўлга ола билиш маҳорати, уни тинчлантира олиш – бола томонидан турли асаббузарликларга нисбатан чидамлилиқ.
5. Имо-ишора, мимикадан фойдалана олиш, ҳолатга мос сўзларни ишлата билиш;
6. Боланинг салбий ҳиссиётларга берилиб кетишига йўл қўймаслик маҳорати;
7. Болалар ва ўсмирлар хулқи билан боғлиқ билимларга эга бўлиш: боланинг ривожланиши хусусиятлари ва қонуниятларини билиш; хулқ-атворнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш.
8. Болаларга нисбатан чуқур қизиқиш ва бунинг оқибати сифатида улар билан муносабатда чидамлилиқ;
9. Боланинг интилишлари ва хулқ-атворини ҳис эга билиш, ўзининг болаликдаги тажрибасига таянган ҳолда унинг ўзидек қабул қила олиш қобилияти;
10. Бола ҳуқуқларини тан олиш;
11. Ижтимоий иш ходими ўз ҳиссиётларини, шу жумладан салбийларини ҳам билиши, кўра олиши, таҳлил қила олиши, уларни сиқиб чиқармаслиги, балки уларни бошқара олиши лозим;

12. Ўз-ўзини англаш ва кучли ўзига хослик.

Ижтимоий ходим қўпол муносабатларнинг хилларини баҳолашда қуйидаги саволларга жавоб бера олиш лозим:

1. Боладаги салбий ҳолат узок давом этадими?
2. Шунга ўхшаш вазиятлар бола соғлигига ва хавфсизлигига таҳдид кўрсата оладими?

Агар ижтимоий ходим юқорида келтирилган иккита саволга жавоб бера олса, муаммоли ҳолатларни баҳолаш ва аниқлашга ишонч ҳосил қилади.

Эркак ва аёл оилада ўзларига холис баҳо берган ҳолда бир-бирларини қадрлаб, ҳурмат қилсалар зиддиятнинг олдини олиб бартараф этиш учун имконият вужудга келади. Оиладаги соғлом ижтимоий-маънавий муҳит, хотиржамлик, ибратли муносабат, ўзаро тотувлик бола шахсининг ижобий хатти-ҳаракатларида ўз аксини топади.

Ота-она ёки болани тарбиялаётган бошқа шахслар ўз қобилиятлари ва молиявий имкониятлари доирасида боланинг ривожланиши учун зарур бўлган турмуш шароитини таъминлашга асосий жавобгардир.

Оиладаги зиддиятли вазиятларга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш усуллари қуйидаги хулосаларда ўз ифодасини топади.

1. Оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;
2. Оиланинг ижтимоий – иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш;
3. Оилада билимли, ақл-заковатли, уддабурон, жисмоний ва маънавий баркамол инсонни тарбиялаш;
4. Оила анъаналари касб-кори, шажарасини давомийлигини таъминлаш;

5. Бўш вақтни унумли ўтказишга эришмоқлик учун оила аъзоларида ўзаро ҳамжихатлик, дўстлик, қариндош уруғчилик қадриятларини қўллаш.

Мана шу хусусиятлар барқарор бўлган оилаларда зўравонлик ҳолатлари содир этилмайди, болаларга нисбатан ҳурматли муносабат қарор топади.

Оилада фарзандларга тўғри таълим тарбия бериш ота-оналарнинг вазифаси ва бурчи эканлигини англаган ҳолда иш олиб бориш ижтимоий ходимга катта масъулият юклайди.

Руҳий зўравонлик

Болага нисбатан бепарволик, унга жисмоний, эмоционал (руҳий) ва жинсий зўрлаш ишлатиш жуда ачинарли ва даҳшатли ҳодисадир. Бундай ишлар болалар билан содир бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди, лекин ҳамма вақт ҳам ҳар бир виждонли, ҳамиятли инсон бу зўравонликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиши ва келиб чиқиши маълум бўлган ҳолларда зудлик билан керакли ташкилотларга хабар бериши, олдини олиш учун чора-тадбирлар қўллаши керак бўлади.

Тегишли мутасадди ташкилотларга хабар етказиш жуда ҳам катта жавобгарликни ва тўғри ёндашиш, маълумотларни аниқ тўплашни талаб қилади, чунки бола хавфсизлиги ва бутун оиланинг фаровонлиги хавф остида қолиши мумкин.

Руҳий зўравонлик бола ҳиссиётларига салбий таъсир кўрсатади, натижада бола феъл-атворида салбий ўзгаришлар пайдо бўлади. Оилада ота-оналар ўртасидаги зиддиятли муносабат болага нисбатан руҳий зўравонлик содир бўлишига олиб келади.

Болага нисбатан эмоционал (руҳий) зўравонлик содир этилганлигини ушбу белгиларни ўрганиш орқали билиб олиш мумкин:

1. Ўзини паст баҳолаш, бола ўзини ҳеч ким яхши кўрмайдиган, кераксиз деб ҳисоблаши;
2. Бола ота-онаси уни камситаётган танқид қилаётган, уйдан ҳайдаш билан кўрқитаётган деб ҳисоблайди;
3. Бола хафа ва хаяжонланган. ;
4. Жисмоний зўравонликни кутмоқда;
5. Нутқий ривожланиш ва тушунишда тугилиш;
6. Мантиқий фикрлай олмаслик, қўйилган вазифани ҳал қила олмаслиги сабаби ва оқибатларини қидириш;
7. Катталарга ҳурматсизлик ва ишончсизлик;
8. Тенгдошларига, ака-ука ва опа-сингилларига нисбатан тажовузкорлик;
9. Ҳимоя сифатида катталарнинг хулқ-атворини ҳамда мустақиллигини намоён қилиш;
10. Ўз жонига қасд қилишга уриниш.
11. Унга кўрсатилаётган ёрдамнинг беғаразлигига ишончсизлик;
12. Муваффақият ва хурсандчиликни ич-ичидан ҳис қила олмайди, ўзини яхши ҳаётга лойиқ эмас деб ҳисоблайди.

Эмоционал (руҳий) зўравонлик натижасида болаларда пайдо бўладиган нотинчлик ҳолатлари:

- фобия, яъни қўққисдан пайдо бўлувчи кўрқув, айниқса қоронғиликдан, эркаклардан, нотаниш кишилардан, алоҳида ҳодиса ёки хатти-ҳаракатлардан кўрқиш;
- чуқур ва тез-тез юз берадиган депрессия, кўрқув, хавфсираш, ишончсизлик ёки тажовузкорликдан иборат бўлган шахсий ўзгаришлар;
- дудуқланиш, нутқнинг бузилиши ёки бутунлай йўқолиши;
- кишилар билан яқин алоқа ўрната олмаслик, боғлиқликнинг бузилиши;
- ўз-ўзига паст баҳо бериш;

- айбдорлик, уялиш ҳисси;
- тунги қўрқув, уйқунинг бузилиши;
- диққатни жалб қила олмаслик; “ичимдагини топ” бўлиб қолиш, ижодий фаолликнинг бузилиши.

Рухий зўравонлик турлари:

1. Боланинг ҳиссий ҳолатига ёки хулқ-атворида ҳаққоний ёки тахминий зарарли таъсир кўрсатиш;
2. Таҳдид, қўрқитиш, камситиш, ҳақорат қилиш, сўқиш;
3. Боладан воз кечиш;
4. Изоляция, яъни қамаб қўйиш;
5. Ноижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилиш ва мажбурлаш;
6. Бола бажара олмайдиган ошиқча талабларни асоссиз равишда қўйиш.

Болага нисбатан зўравонликни амалга ошираётган ота-оналар ёки тарбиячилар хулқидаги хусусиятлар:

- боладаги жароҳатларни тушунтиришдаги қарама-қарши фикрлар ёки тушунтиришдан бош тортиш;
- тиббий ёрдамга кечикиб мурожаат қилиш, баъзан кўмак ҳақидаги ташаббус бошқа шахслардан чиқади;
- жароҳат учун жавобгарликни боланинг ўзига ағдариш;
- ота-оналарнинг жароҳат оғирлигига мос келмайдиган реакцияси, баъзан ошиқча, баъзан кам;
- боланинг тақдирига бефарқлик;
- болага эътиборсизлик, унга ҳиссий кўмак бермаслик, эркаламаслик;
- руҳий ҳаяжонланишнинг ёки характеридаги патологиянинг (тажовузкорлик, ҳаяжонланиш, мос келмайдиган ҳатти-ҳаракатлар) хулқ атворда акс этиши;
- бола соғлигига тааллуқли бўлмаган ўзининг муаммолари ҳақида кўпроқ қайғуриш.
- болалигида уларни жазолашганлари ҳақида кўп гапириши;

Оилада болаларга нисбатан рухий зўравонлик содир бўлиши сабаблари:

1. Оилада соғлом муҳитнинг мавжуд эмаслиги.
2. Оилада моддий етишмовчилик – оила бошлиғининг оилани таъминлай олмаслиги.
3. Эр ва хотин ўртасидаги бир-бирини тушунмаслик, қўполликлар.
4. Уруш – жанжалли ҳолатлар.
5. Эркакнинг спиртли ичимликларга, чекишга ружу қўйиши.
6. Аёлнинг енгил табиатлилиги, эрни менсимаслиги.
7. Фарзандларга нисбатан бепарволик, уларни сўқиш, ноҳақ жазолашлар.
8. Эрнинг бегона аёллар билан мулоқотда бўлиши.

Оилада ота-оналар томонидан болани бесабаб тергаш, сўқиш, нотўғри айбловлар болани салбий томонга ўзгаришига, уйдан беишига, одамови бўлиб қолишига, рухий эзилишига олиб келади.

Рухий зўравонликлар оқибатида боланинг соғлиги ёмонлашиши, кўрқоқ ёки бемехр, тошбағир бўлиб қолиши мумкин. Бу эса келгусида бола томонидан жиноятлар қилинишига, тажовузкорлик ҳолатларига сабаб бўлади.

Болаларга нисбатан турли зўравонликларнинг олдини олиш

Фарзанд оилада ота-онадан намуна олади ва ғазабни куч ишлатмасдан тийишни ота-онадан ўрганади. Бунинг учун эса ота-она ўз фарзандига намуна бўлиши, болага таҳдид қилмаслиги, урмаслиги, руҳий таъсир кўрсатмаслиги, ҳақорат қилмаслиги лозим. Фарзанди менинг отам дунёда оталар ичида энг яхшиси, кучлиси, шижоатлиси, онам эса меҳрибон аёл дея тасаввур қилиши учун ҳаракат қилиши зарур. Фарзанд билан муомала қилганда меъёрий чегара бўлиши, чегарадан чиқмаслик тўғри тарбия беришнинг асосий омилидир. Агар болада депрессия ва ўзини паст баҳолашни юзага келтирувчи муаммолар бўлса мактабга бориб ҳолатни аниқлаш, ўқитувчилар билан суҳбатлашиш ва дарҳол бундай ҳолатларни олдини олувчи чораларни қўллашга тўғри келади. Ота-она ўз фарзандининг ҳимоячиси бўлиши керак. Зўравонликлар юз бермаслиги учун ота-она ўртасида ҳурматли, соғлом муносабатни йўлга қўйиш талаб этилади. Болаларга қилинаётган турли зўравонликлар ҳақида ўз фарзанди билан тушунтириш ишлари олиб бориш ҳар бир ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Айниқса телевидение орқали берилаётган турли мавзудаги фильмлар тўғрисида болага эринмасдан иложи борица кўпроқ тарбиявий суҳбатлар асосида бу фильмларни ҳаётий ҳақиқатдан йироқлиги, шунчаки томошабинни жалб этиши учун реклама сифатида кўрсатилаётганлигини аниқламоқлик керак. Ҳар қандай ёшдаги болалар қўллаб-қувватлашга, эрқаланишга мойил бўладилар. Улар “Мен сен билан фахрланаман” деган мақтовни эшитишни хоҳлайдилар.

Ота-она ўз фарзандига меҳри чексизлагини билдириши лозим ва мен сени яхши кўраман деган сўзларни такрорлаб туриши муҳимдир.

Болаларга жиноий гуруҳлар тўғрисида уларнинг яхши одамлар эмаслиги, улардан эҳтиёт бўлиш чораларини кўриш кабиларни етказиш, тушунтириш ота-оналардан катта масъулият талаб қилади. Болада содир бўлган кичкина хатони ҳам кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш ота-онанинг энг катта айби десак муболаға бўлмайди.

Бола билан ўз ота-онаси ўртасида сир бўлмаслиги керак. Болалар ўзларининг қўрқуви, ғазаби ва қайғуси ҳақида гапириб беришларини йўлга қўйиш, қўллаб-қувватлаш орқали турли зўравонликларнинг олди олинади. Оилада бола зўравонликка дучор бўлган бўлса уни оқлаш ва муҳокама қилиш тўғри усул ҳисобланмайди. Зўравонлик сабабини аниқлаш учун вақтдан тўғри фойдаланиш лозим.

Болаларни зўравонликдан муҳофаза қилиш йўллари

Болаларни турли зўравонликлардан муҳофаза қилиш йўллари:

1. Болани ҳар қандай ёшдаги, хавфли бўлган одамларга “йўқ” деб жавоб беришга ўргатиш.
2. Болаларни бегона одам ушламоқчи бўлса бу менинг отаммас, бу менинг онаммас деб бақариб жавоб беришга ўргатиш.
3. Болаларни қаерга бораётганлиги, қачон қайтмоқчи эканлиги ва режаси ўзгариб қолган тақдирда огоҳлантириб қўйиши лозимлигини ўргатиш.
4. Ота-оналар болаларини болалар боғчаси ёки мактабдан иложи бориचा ўзлари олишга ҳаракат қилишлари.
5. Болаларга жиноий гуруҳларнинг хавфлилиги, иложи бориचा бундай гуруҳларнинг таъсирига тушиб қолмаслик, улардан узоқроқ юриш тўғрисида тушунтириш.
6. Ота-оналар ўз болаларининг хавфсирашларини сабр-бардош билан тинглашлари, уларнинг қизиқишларини ва ҳиссиётларини ҳис қилишлари ҳамда уларга яхши гапирган ҳолда маслаҳат беришлари лозим.
7. Агар бола ёлғизлик, ёмон кўриш, умидизликни ҳис қилаётган бўлса дарҳол чора излаб бу ҳолатнинг олдини олиш ота-онадан ўта даражада диққат эътибор ва зийракликни талаб қилади.

Зўравонликларнинг олдини олишда ва муҳофаза қилишда ота-оналар амал қилиши керак бўладиган маслаҳатлар:

1. Болага оилавий парол ўргатиш ва паролни билмайдиган одамнинг машинасига чиқмаслик ва у билан ҳеч қаерга кетмасликни тушунтириш.

2. Ёлғиз юрмаслик, дўстлар билан сайр қилиш, чунки жиноятчиларни ёлғиз юрган болалар кўпроқ ўзига жалб қилади.
3. Оилада ота-она ўз фарзанди билан эркин мулоқотда бўлишлари, бола ота-онасидан сир яширмаслиги, ҳамма нарсани ота-онасига айтиши, улардан маслаҳат олиши зарурдир.

Фарзандлар келгусида соғлом ва бахтли инсон бўлиб вояга етиши учун муҳим ва зарур омилларни ўзлаштирган бўлишлари ҳар бир ота-она учун бурч ва масъулият бўлиб қолади.

Оилада болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини олдини олиш учун маҳаллаларда ота-оналар билан тушунтириш ишлари олиб борувчи марказлар очиш ва бу марказлар ишини тўғри йўлга қўйиш керак бўлади. Бунинг учун эса маҳалла фаоллари жонбозлик қилишлари, имкониятлар яратишлари мақсадга мувофиқдир.

Болалар билан боғлиқ ҳар қандай муаммо, ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасида илмий жамоатчилик томонидан доимо ўрганиб борилади, салбий ҳолатларнинг олдини олиниб ижобий ҳолатлар ривожлантирилади.

Хулоса

Болаларга нисбатан руҳий зўравонлик натижасида болаларда оиладан узоқлашиш, безиллаш, кучли томонларнинг йўқолиши, умидсизлик, тушкунлик ҳолатларининг пайдо бўлиши каби салбий ҳусусиятлар вужудга келиши кўрсатилди. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда ижтимоий ходимнинг иштироки, унинг мижозлар билан ишлаш методи тўғрисида йўл-йўриқлар, тушунтириш ишлари илмий фикрларда ўз ифодасини топди. Ижтимоий иш йўналиши фаолияти Ўзбекистонда ҳали ёш, янги йўналиш бўлишига қарамасдан қисқа давр ичида самарали ишлар амалга оширилди. Олиб борилган тадқиқотларда юртимизнинг келажаги бўлган фарзандларимизни жисмоний соғлом, руҳий ақлли, етук, комил инсонлар бўлиб етишишлари учун ҳар бир оилада ота-оналар масъулиятни ҳис этган ҳолда ўз фарзандлари билан маданий мулоқотда бўлишлари, тўғри тарбия беришлари тўғрисида илмий фикрлар берилади.

Болаларга нисбатан руҳий зўравонликнинг салбий таъсирлари ва болаларни бу ҳолатдан қандай қилиб олиб чикиб кетиш йўлларини кўрсатишга ҳаракат килинган. Боланинг зўравонлик турли кўринишларига таъсирчанлиги натижасида руҳий зўравонлик ҳолатлари вужудга келиши илмий хулосаларда ўз аксини топади.

Оиладаги зиддиятли вазиятларга сабаб бўлувчи омилларнинг негизи қуйидаги хулосаларда ўз ифодасини топади:

1. Оилада ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтириш.
2. Оиланинг ижтимоий – иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш.
3. Оилада билимли, ақл-заковатли, уддабурон, жисмоний ва маънавий баркамол инсонни тарбиялаш.
4. Оила анъаналари – касб-кори, шажарасининг давомийлигини таъминлаш.

5. Бўш вақтни унумли ўтказишга эришмоқлик учун оила аъзоларида ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, қариндош уруғчилик қадриятларини қўллаш.
6. Оилада ота-она ўртасида ҳурматли муносабат, фарзандларга нисбатан ҳурматли муносабатни қарор топтириш.

Оиладаги соғлом ижтимоий-маънавий муҳит хотиржамлик, ибратли муносабат, ўзаро тотувлик бола шахсининг ижобий хатти-ҳаракатларида ўз аксини топади. Бундай имкониятларни яратилишида ота-оналар фаоллик кўрсатишлари зарур бўлади. Улар ҳар томонлама билимга эга бўлишлари, фарзандларнинг ёши, ўзига ҳос хусусиятлари, қизиқишлари, қобилиятлари ва лаёқатларини эътиборга олган ҳолда иш юритишлари лозим.

Демак, яхши муомала натижасида бола биринчидан соғлом, иккинчидан самимий, феъли қатъиятли, ички дунёси гўзал, атроф муҳитга муносабати биродарлик руҳида ривожланади, вояга етади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори- Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси- Т.: Шарқ, 1999.
3. Каримов И.А. Соғлом авлод – халқимиз келажаги Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз-Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч- Т.: Маънавият, 2008.
5. Green 1988, 1995п. Kaplan 1983.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 1992.
7. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси 1998.
8. Ўзбекистонда ижтимоий ишни ривожлантириш мавзусидаги тренинглار материаллари-Т.: Ўзбекистон, 2006-2008.
9. Социология-Т.: ЎАЖБНТ маркази 2002.
10. Бекмуродов М.З. Социология асослари-Т.: 2001.
11. Гидденс Э. Социология-Т.: Шарқ, 2002.
12. Ижтимоий иш асослари ўқув курси бўйича Хрестоматия. МинВУЗ – РЦСАД-ТДМИ-ЮНИСЕФ-Т.: 2009.
13. Оила ва болалар билан ижтимоий иш ОЎМТВ-ТДМИ-РБИММ-ЮНИСЕФ-Т.: 2009.
14. Юнусов А.Б. Болаларни зўравонлик ва эҳтиётсиз муносабатдан сақлаш ўқув курси бўйича хрестоматия-Т.: 2009.